

Мухтарам мусулмонлар!

Хозирги кийматчилик ва озиксизлик шул қадар кўркинчилук даражага бордики, кўп оилалар, факир ва бечоралар пулга ҳам озуктополмасдан, кўчаба-кўча саргардон бўлиб, неча кунларгача оч турмокка мажбурият кўрурлар. Хозирда давом этуб тургон дахшатлик уруш, бу йилги сувсизлик ва чоғирдка балолари бу ҳолни минбаъд яна кўркинчлироқ даражага олиб борадиргонга ўхшаб кўринадур. Туркистон мусулмонларининг съезди мана шул ҳолни эътиборга олинмак орамизда бўлуб тургон баъзи бидъат ва исрофот ишларини, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, козоклар орасидаги улоқ, пойга ва жаноза куни бўладургон исрофотни билкуллия барҳам бермокга қарор берди.

«Шўройи исломия»нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошканднинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг аксарини шариатга ҳилоф топдилар ва ўз оралариндан бир комиссия сайлаб, тўй ва маъракаларни шул комиссияларга топшурдилар.

Биринчи. Жаноза куни имом ва уламоларга йиртиш ва чопонлар улашмок, қариндош-уруғларга қора кийимликлардек нимарсалар бермок, йугучи ва отунларга ижройи хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермок, отунлар келиб товуш чикориб ўкимок, садр қилмок, хотунларга улашиладиргон етти, гул, ковоқоши, қор ёғди, лайлак қелди, қовун-тарвуз, йигирма, қирқ, ҳайит, фотиҳа ва йил ошидек ҳалққа ош бериладургон исрофдир; козоклар орасидаги йил оши, пойғалар ва аҳли қасабалар тарафидан арвоҳ, қари исми билан бериладургон ош ва зиёфатларни йўқ қилинди ва булар бадалига жаноза куни давлатлик қишилар уламо-имомларга пул бериш, ҳайрот қилмоклари ҳам юқорида мазкур маърака қунларида маҳалладан уч-тўрт қиши қақириб, ҳатми Қуръон қилдирмоклари мумқиндир.

Иккинчи. Қиз тўйларида совқигарчилик, қатир, қичик тўй, қозон қайтариш, қатта тўй, базм ва қеча исрофлари ва юз қўрар, ҳайитларда мол ёйиб, қелин қўрмок, қиз оши бермок ва қилоҳ қунларида қилоҳлар ўйнамок, ёр-ёри айтмок, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида қон ва ошлар қортмок, «тўққиз-тўққиз», сандукларда қуриб қетадургон гулқўрпа, қалақ, қўрпалардек қойдасиз моллар, қўчалардин қиёнча қўтариб ёқи ароба ва туяларга қалла ва бошқа қил қарсалар ортиб тўй юбормок, козоклардаги қалин олмок ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар билкуллия мамнуъдир. Қунлар ўрнига қелин ва қуёв тарафлари қийим ва қарурият уй асбоблари тўғрисида пул ила қитишсунлар, ҳам қилоҳ қуни қуёв ўзи ошналари ва маҳалла қишилари бирлан беқарнай,

фақат сурнай билан боруб, никоҳ қилурлар ва келин тараф ўз қариндошлари билан келинни олиб борурлар. Фақат қуёв ила борадургон қишлоқнинг йигирма-қирқ қишлоқдан ошмаслиги лозимдур. Қорлари ҳам мартаба қуни бўлиб, қуёв ила бирга борадургон қишлоқдин келин ила борадургон хотунлар ҳам ўн қишлоқдан ортиқ бўлмасун. Қорлари фақат таом ёмоқ учунгина бўлиб, тугиб олиб қетмоқлари ва яна бешиқ тўйи, қиллагаризонлар бутунлай йўқолиб қитсунлар.

Учинчи. Ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар қақируб, ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун оши бермоқ, хатна қилинадургон болаларга наша ва ҳам қўчаба-қўча қарғадон қилиб, оқча йигмоқ ва шунларга ўхшагон исрофлар қилқуллия мамнуъдир. Фақат давлатлик қишлоқ уламо ва имомларни қақируб, қичиқроқ бир мавлуд мажлиси ясаб ва фақир қишлоқ маҳалладан уч-тўрт қишлоқинигина қақируб, ўғилларини хатна қилдиурлар.

«Шўройи исломия» давлатлик қишлоқдин илтимос қиладурқи, мавлуд мажлисини ҳам қўб қатта юбормасдан, мумкин қадар қасди қиоя қилсалар (тежаб қарф қилсалар) ҳам тўйда... пул ва қалла қарфи маҳаллаларидаги оқ ва яланғоқ, бева-бечораларга, мактаб ва мадраса ва «Жамияти қайрия»ларга берсалар.

Ушбу тартибга муқолифат қилгон қишлоқнинг маърақа ва тўйлари тўхтамли ва айбнома (протокол) ёзуб, қозиларга топшурмоқ ва шаҳар бошқуқларига ҳавола қилинади. Бундай қишлоқга иттифоқи муқлиминни бу қим омилини ва шаръан ҳаром бўлгон исрофқарчилигини белги учун муқтарам қозилар шариятга мувофиқ қаттиғ жазога муқтаҳик қиладурлар. Муқтарам маҳалла имомлари ва маҳалла қомитетларидин илтимос қиладурқи, ушбу эълонномани ҳалққа тушунтириб, ҳалқни ушбу тартибдан қикмаслигига тарғиб ва ташвиқ қилсалар эди. Қунқи жаноби Ҳақ таъолий исроф қилғувчиларни суймас.

«Шўройи ислом» райси муовини **Мунаввар қори**

Қомиссиялар: **Мулло Саид Аҳроқхон маҳзум, Мулло Мурадхўжа эшон, Мулло Абдусамеъ қори.**

«Нажот» газетаси, 1917 й., 27 апрел

